
Хорижий инвестициянинг маълум бир қисми малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилади — президент

Шавкат Мирзиёев замонaviй кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни замонaviй кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Бу ҳақда президент матбуот хизмати [хабар берди](#).

Кейинги йилларда таълим тизимини такомиллаштириш, замонaviй кадрлар тайёрлашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Президент қарори билан 2017–2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Жорий йилда мамлакатда 13 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилди. Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишлари бошланди.

Албатта, бундай эътибор яқин келажакда ўз самарасини беради. Лекин барча соҳаларда жадал ислохотлар олиб борилаётган бир пайтда шу суръатга мос илғор кадрлар мамлакатимизга бугун керак.

Ҳозирги тизимли ўзгаришлар жараёнида аксарият мутахассисларнинг бунга тайёр эмаслиги, уларнинг билими, малакаси ва кўникмаси замон талабига жавоб бермаслиги аён бўлиб қолди.

Масалан, хорижда докторантура ва магистратурада ўқитиш, малака ошириш ва стажировкани ташкил қилиш бўйича дастлабки эҳтиёж 3,5 мингдан ортиқ. Ўзбекистонда халқаро илмий ва амалий тажриба эга 600 нафардан зиёд ватандошларимизга эҳтиёж мавжуд. 1000 га яқин хорижий олимлар ва экспертларни жалб этишга талаб бор.

Яъни, бугун кечиктириб бўлмайдиган, оддий илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёж 5 мингдан зиёдни ташкил этади. Агар ишлаб чиқаришдаги талаб ҳам инобатга олинса бу рақам камида 50–100 бараварга ошади.

— Бу ҳали бугунги эҳтиёж. Яқин ва узоқ истиқболдаги иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан бизга қайси соҳа учун қандай мутахассис керак бўлади? Шунини ҳозирдан чуқур ўйлашимиз, замон талаби, ислохотлар шиддатига мос кадрларни тарбиялашимиз керак. Бу масала бизнинг келажакимиз, бизнинг эртанги кунимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, давлат раҳбарининг жорий йил 25 сентябрдаги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташкил этилган эди.

Жамғарма олдида ўзбекистонлик иқтидорли ёшларни докторантура ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, турли соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларни мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга жалб қилиш, чет элдаги университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрларни тайёрлашга қўмак бериш вазифалари қўйилган.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 2019 йилда давлат бюджетидан 45 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган. Президент кўрсатмасига мувофиқ, бу маблағ янада ошириладиган бўлди.

Йиғилишда шу йўналишдаги ишларни тўғри ташкиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасига «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда барча вазирлик ва идоралар кесимида хорижда кадрлар тайёрлаш, стажировкасини ташкиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Олий таълим вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармасига кадрларни хорижга юбориш бўйича устувор йўналишларни аниқлаб, танлов эълон қилиш бўйича топшириқ берилди.

Жамғарма Ташқи ишлар вазирлиги, Ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда хорижда қимматли тажрибага эга бўлган ватандошларимиз тўғрисидаги маълумотларни шакллантириб бориши, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мамлакатлар ва мутахассисликлар кесимида ватандошлар тўғрисида маълумотлар реестрини тезроқ ишга тушириши зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга жалб этилаётган ҳар қандай хорижий инвестициянинг маълум бир қисмини малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтириш кераклигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда яна бир масала — истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш, уларнинг касб малакасини узлуксиз ошириб боришга қўмаклашиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси президентининг жорий йил 30 майдаги «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида республика бўйича вазирлик, идора ва ташкилотларда раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида танлов ўтказиш белгиланган эди.

Танловнинг дастлабки босқичидан сўнг 8 минг 334 талабгордан 3 минг 825 нафари кейинги босқичларга тавсия этилди. Яқунда 50 нафар юқори малакали кадр танлаб олинади.

Давлат раҳбари танловнинг финал босқичи иштирокчиларини қисқа муддатли курслар орқали малакасини ошириш кераклигини таъкидлади. Танлов ғолибларининг стажировкаси қайси ривожланган мамлакатда, қайси ташкилотлар ва қандай мезонлар асосида ўтказилишини аниқ белгилаш бўйича топшириқлар берди.

Президент кўрсатиб ўтган масалалар ижроси юзасидан мутасадди раҳбарлар ҳисобот берди.

«Газета.uz»

2018-12-19 12:51:49